Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-ОХИРА, 7-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҚАВС, 26-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 14 декабрь, шанба, 241-сон НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

АШХОБОД: ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

ЎзТАГ мухбири Турсунбой Ботирбеков ва ТуркманИНФОРМ мухбири Людмила Глазовская Туркманистон пойтахтидан хабар қиладилар:

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Президентларининг учрашувида қатнашиш учун 12 декабрь куни бу ерга келди. Маълумки, бу учрашув Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов ташаббуси билан ўтмоқда. Учрашувдан мақсад Беларусь, Россия ва Украина раҳбарларининг мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги баёноти муносабати билан юз берган вазиятни равшанлаштириб олишдир.

Беш мустақил республиканинг давлат байроқлари билан безатилган Ашхобод аэропортида Президент И. А. Каримовни Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов, Республика Олий Кенгашининг раиси С. Н. Муродов, президентлик кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Анъанага биноан миллий кийимдаги йигит ва қизлар И. А. Каримовга нон ва туз тутдилар, гулдасталар тақдим этдилар.

Аэродромнинг учиш майдонида меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Фахрий қоровул бошлиғи И. А. Каримовга рапорт берди. Ҳарбий оркестр маршни ижро этди.

Ўзбекистон Президенти аэропортда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

— Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари билан учрашиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисида фикрлашиб олиш ниятида бу ерга келдим, — деди Ислом Каримов. — Бизнинг фикримиз ошкора бўлиши керак. Мен мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тарафдориман, чунки у халқ манфаатларига, унинг орзу-умидларига мос келади.

Учрашувда қатнашиш учун Тожикистон Президенти Р. Н. Набиев, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев ҳам шу куни Ашхободга келдилар.

— Биз ҳаммамиз ҳамдўстлик тарафдоримиз, чунки халқларимизни муштарак анъаналар, урф-одатлар бир-бирига боғлаб турибди. Юз бераётган воқеаларга нисбатан умумий фикримизни ишлаб чиқишга умид қиламиз, — деди Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев.

— Истиқлолли мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иттифоқни ташкил этишнинг энг демократик шакли, деб ҳисоблайман, — деди Қирғизистон Президенти А. А. Акаев Ашхобод аэропортида журналистларга. — Бу хусусда мен ўз нуқтаи назаримни олдин БМТ минбаридан айтган эдим. Ўз фикримни ўзгартирмайман. Ҳозир мустақил давлатларнинг ҳамдўстлиги биз учун ўзаро алоқалар ва ҳамкорликнинг энг мақбул шакли эканлигига ишончим ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам.

Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев бу ерга сўнгги самолётда етиб келди, у туркман диёридаги учрашувдан хурсанд эканлигини айтди. Журналистларга ўз фикрини улар билан ўтказиладиган учрашувда батафсил сўзлаб беришни маъдум қилди.

Шу куни Туркманистон Президенти боргоҳида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон олий раҳбарларининг музокаралари бошланди. Беларусь, Россия ва Украина имзолаган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимга муносабат баҳсларнинг бош мавзусидир.

Учрашувни С. А. Ниёзов кириш сўзи билан очди. У мустақил республикалар бошлиқларини Туркманистон пойтахтида қизғин ва самимий табриклади ҳамда учрашув самарали ва амалий бўлади, деб умид билдирди.

— Биз мустақил давлатлар битимини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилишимиз лозим, — деди Туркманистон Президенти, — шундан кейин ҳозирги пайтга баҳо беришимиз лозим. Бизнинг мақсадимиз — иқтисодий алоқаларимизни сақлаб қолишдир.

Музокара эшиклари журналистлар учун беркитиб қўйилган. Музокаралар шу муҳим учрашув якунларига доир ҳужжатни имзолаш билан тугаши кутилмоқда.

Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари 13 декабрь куни эрталаб баёнотни имзоладилар. Бу ҳужжат мустақил республикалар президентларининг учрашуви ва Беларусь, Россия ва Украина имзолаган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимга доир музокаралар чоғида ишлаб чиқилган.

Баёнотда, жумладан, «Беларусь, РСФСР, Украина раҳбарларининг олдинги ҳуқуқсиз республикалар ўрнида ҳамдўстликка бирлашган мустақил ҳуқуқий давлатларни барпо этиш муддаоларини биз тушуниб кутиб олдик», дейилади. «Бироқ бу ҳақдаги битим биз учун кутилмаган воқеа бўлди, — деб таъкидланади ҳужжатда. — Аввалги СССР субъектларининг СССР халқ депутатлари V съезди қарорлари асосида янгитдан бирлашиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди. Минск ташаббуси ижобий тусга эгадир».

Учрашув қатнашчилари, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этишга доир куч-ғайратларни мувофиқлаштириш зарур; бундай ҳамдўстлик ҳуқуқий асосда қурилиши керак; мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги қарорлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида собиқ иттифоқ субъектларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши даркор, деб ҳисоблайдилар. Бунда ҳамдўстликни ташкил этувчи барча давлатлар, деб таъкидланади баёнотда, унинг муассислари деб эътироф этилиши ва битим матнида аҳдлашувчи юксак томонлар деб кўрсатилиши лозим.

Ҳужжатда жаҳондаги стратегик барқарорликни сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб ядро қуроллари устидан ягона назоратни ҳамда ядровий тийиб туриш қўшинлари ва ҳарбий-денгиз кучлари бирлашган қўмондонлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади.

Учрашув қатнашчилари барча субъектларининг манфаатларини ҳисобга оладиган мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли ҳаммуассислари бўлишга тайёр эканликларини айтдилар.

Учрашув қатнашчиларининг журналистлар билан суҳбати бошланди.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Давлат бошлиқлари Н. А. Назарбоев, А. А. Акаев, Р. Н. Набиев, С. А. Ниёзов, И. А. Каримов 1990 йилги Олмаота учрашувида ва 1991 йилги Тошкент учрашувида эришилган аҳдномаларга мувофиқ Ашхободда навбатдаги маслаҳат учрашувига тўпландилар, бу ерда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисида Минскда битим имзолангандан кейин юз берган вазиятни муҳокама қилдилар. Ҳар томонлама фикрлашиб олиш ва сиёсий вазиятни таҳлил этиш натижасида учрашув қатнашчилари қуйидаги фикрга келдилар:

— Беларусь Республикаси, РСФСР ва Украина раҳбарларининг олдинги ҳуқуқсиз республикалар ўрнида ҳамдўстликка бирлашган мустақил ҳуқуқий давлатларни барпо этишга интилишларини биз тушуниб кутиб олмоқдамиз. Украина иштирокида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга доир Минск ташаббуси ижобий тусдадир. Лекин бу ҳақдаги битим биз учун кутилмаган воқеа бўлди.

Кенгаш қатнашчилари аввалги СССР субъектларининг СССР халқ депутатлари V съезди қарорлари асосида янгитдан бирлашиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди, деган фикрга қўшиладилар. Марказнинг узоқни кўра олмайдиган сиёсати чуқур иқтисодий ва сиёсий тангликка, ишлаб чиқаришнинг барбод бўлишига, жамият барча табақалари турмуш даражасининг фалокатли пасайиб кетишига олиб келди.

Учрашув қатнашчилари:

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга доир саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарур;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳуқуқий негизда тузилиши керак;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги қарорлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида собиқ иттифоқ субъектларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши лозим, бунда ҳамдўстликни ташкил этувчи барча давлатлар муассис сифатида тан олиниши ва битим матнида аҳдлашувчи олий томонлар деб кўрсатилиши керак;

— Ана шу ҳужжатларда, қарорларда ва битимларда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг тарихий ва ижтимоий-иқтисодий воқеликларини ҳисобга олиш керак, афсуски, ҳамдўстлик тўғрисидаги битимни тайёрлаш чоғида улар эътиборга олинмаган;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги барча миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлилигига, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига кафолат бериши лозим;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги инсон ҳуқуқларини ва халқларнинг ҳуқуқларини бузадиган этник, диний ёки ҳар қандай бошқа белгига қараб тузилиши мумкин эмас;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудий яхлитликни ва ҳозирги мавжуд чегаралар дахлсизлигини тан олади ва ҳурмат қилади;

— Жаҳонда стратегик барқарорликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида ядро қуроллари устидан ягона назоратни ҳамда стратегик тийиб туриш қўшинлари ва ҳарбий-денгиз кучлари бирлашган қўмондонлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ;

— Иқтисодий ҳамжамият тўғрисида олдин тузилган шартномани тасдиқлаш ва шу шартномага доир ишларни тўла-тўкис ниҳоясига етказиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланиб, биз барча субъектлар манфаатларини ҳисобга оладиган Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли ҳаммуассислари бўлишга тайёр эканлигимизни билдирамиз. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш масалалари мустақил давлатлар бошлиқларининг кенгашида кўриб чиқилиши лозим.

Маслаҳат учрашуви қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимда иштирок этиш хусусидаги ўз позициясини шу йил 29 декабрда умумхалқ президент сайлови ўтгандан сўнг узил-кесил аниқлашига тушуниш билан қарайдилар.

Ушбу баёнотга Минскда имзоланган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимга учрашувда ўзаро келишилган дастлабки тузатишлар ва таклифлар илова қилинади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. АКАЕВ

Тожикистон Республикаси Президенти Р. Н. НАБИЕВ

Туркманистон Президенти С. А. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ.

АШХОБОД УЧРАШУВИДА ҚАТНАШГАН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ ҚАРОРИ

Биз, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш муаммоларини муҳокама қилиб, шу муаммоларнинг энг муҳимлари орасида Чернобиль аварияси ва Орол фожиаси оқибатларини тугатиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидладик. Булар ҳаммамизнинг бошимизга тушган мушкуллик, ҳаммамиз учун умумий кулфат бўлиб, уларни биргаликда бартараф этишимиз лозим.

Биз шуни чуқур англаб, қулфат зоналарига республикаларимиздан дарҳол инсонпарварлик ёрдами юборишга қарор қилдик. Чернобиль ва Орол болалари Янги йилга серқўёш республикаларимиз совғаларини оладилар.

Чин кўнгилдан берилаётган бу камтарона ҳадя болаларнинг Янги йил байрамини безабгина қолмай, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик бузилмаслигининг рамзи бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ	Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ	Тожикистон Республикаси Президенти Р. НАБИЕВ	Туркманистон Президенти С. НИЁЗОВ	Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Ашхобод шаҳри,
1991 йил 13 декабрь.

ТЕЖЕН-СЕРАХС ТЕМИР ЙЎЛИНИ ҚУРИШДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИ ЎРТАСИДАГИ

БИТИМ

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикалари ва Туркманистон иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, иқтисодий имкониятлардан фойдаланишга доир куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида, ягона Трансосиё темир йўлини вужудга келтиришдан ўзаро манфаатдорликка асосланиб ҳамда Тежен-Серахс темир йўлини қуришнинг ғоят муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб:

Тежен-Серахс темир йўли қурилишида биргаликда иштирок этишга, ана шу мақсадга ҳар бир давлатдан баравар миқдорда сармоя ажратишга рози бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ

Туркманистон Президенти С. НИЁЗОВ.

Ашхобод шаҳри,
1991 йил 13 декабрь.

БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИ

АШХОБОД, 13 декабрь. (ТуркманИНФОРМ—ЎзТАГ). Ашхобод учрашуви қатнашчиларининг якунловчи ҳужжат имзоланиши биланоқ журналистлар билан ўтказган суҳбати бир соатдан кўпроқ давом этди. Уларнинг умумий позицияси аниқ намоён бўлди: Мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлиги инсон ҳуқуқларини ва халқлар ҳуқуқларини бузадиган этник, диний ёки ҳар қандай бошқа белгиларга қараб тузилиши мумкин эмас.

«Шу мавзудаги ҳар қандай бўҳтонларга қатъий чек қўйиш лозим», — деди журналистларга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев. У сўнгги вақтда М. С. Горбачев тутган йўлга тўхталиб, бу йўлни ишларнинг ҳақиқий аҳволига мутлақо мос келмайдиган йўл деб таърифлади. Қозоғистон раҳбари Ашхобод учрашуви табиий воқеалар занжиридаги мантиқий бир ҳалқа бўлганлигини таъкидлади. Бу воқеалар кейинчалик ҳам шундай табиий равишда ривожланаверади. Бунда Нурсултон Назарбоев Борис Ельцин билан телефон орқали гаплашганлигига асосланди, Борис Ельцин жанубий минтақадаги шаҳарлардан бирида яқин орада ҳамдўстлик ҳаммуассислларининг учрашувини ўтказишга рози эканлигини тасдиқлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши сабаблари тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бу иттифоқни тузиш манбаларига мурожаат қилди, ўшанда иттифоқни ҳаммуассислар қуйидан тузиши қоидаси аввалбошданоқ бузилган эди. Қирғизистон раҳбарининг фикрича, Михаил Горбачевнинг хатоси шундан иборатки, у конфедератив асосда иттифоқ тузишга мойил бўлган мустақил республикалар раҳбарларининг деярли якдил фикрига ўз вақтида қулоқ солмади, ана шу фикр амалда халқлар хоҳиш-иродасининг ифодасига айланган ҳозирги пайтда ҳам уни қўллаб-қувватламади. Шу билан бир вақтда Акаев янги жараёнларда Горбачевнинг бундан буён иштирок этиши мумкинлигини истисно этмади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов журналистларнинг саволларига қайтарган жавобларида давлатлараро муносабатларни мутлақо янги негизда ислоҳ қилиш юзасидан бошланган ишнинг ижобий, бунёдкорлик ролини яқин вақт ичида кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. У эндиликда иқтисодиётни олға силжитиш энг асосий ва муштарак мақсад бўлиб қолганлигини айтди. Бунда собиқ иттифоқдаги саккиз республиканинг олдин тузилган иқтисодий битимига асос қилиб олинган жиҳатлар ҳисобга олиниши керак. Ислом Каримов ҳам ўз негизи билан ғоят ижобий бўлган Минск битимини мисол қилиб келтириб, ҳамдўстликнинг мустақил давлатлари ўз муносабатларини ҳам ўзаро ҳурмат, ҳам ўзини ҳурмат қилиш асосига қуришларига тўсқинлик қиладиган ҳеч қандай объектив сабаб йўқлигини айтди. Бироқ у айни пайтда азалдан хом ашё етиштирадиган ўлка деб ҳисоблаб келинган Ўрта Осиё минтақасига иккинчи даражали деб қарашга узил-кесил хотима бериб бўлармикин, деб бироз шубҳаланаётганлигини ошкора тан олди. Нима бўлганда ҳам биз барча миллат фуқаролари тинчлик, осойишталик ва тотувликда яшашларига имкон берадиган турмуш шароитларини яратишга ҳаракат қиламиз, деди Ўзбекистон раҳбари.

Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳам шу қоидаларга содиқ эканликлари ҳақида гапирдилар.

Журналистлар билан учрашув пировардида Ўрта Осиё ва Қозоғистон сўнгги йиллардаги фожиали тус олаётган тарихнинг сиёсий майдонида улар изчил ва ижобий йўл тутаётганлигидан фахрланиши мумкин дейилди. Ана шу йўлга улар бундан буён ҳам содиқ бўлиб қоладилар.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● «Молдова Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузилишига жуда ижобий қарайди», — деди Президент М. Снегур. У Россия Президенти Б. Ельцин билан учрашганидан кейин журналистларнинг саволларига жавоб берди.

● **Ўзини мустақил республика мақомига эга, дея эълон қилган Тоғли Қорабоғ ўтган куни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига қўшиб олишларини сўраб мурожаат этди.**

● Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевич республика парламентида сўзга чиқиб, телефон орқали суҳбат чоғида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига Қозоғистон ҳам қўшилишга тайёр эканлигини маълум қилганлигини айтди.

● **Егор Гайдарнинг таъкидлашича, Россия ҳукумати Жанубий Осетиядаги вазият барқарорлашмагунга қадар Гуржистон билан 1992 йилга иқтисодий битимни имзоламаслик ҳақида қарор қабул қилган. Унинг сўзларига қараганда, бундай чора жуда оғир, чунки Гуржистоннинг кўпгина корхоналари ишламай қолиш арафасида. Бироқ бош вазир ўринбосари бундай қадам Россиянинг ўзига ҳам зарба бўлиб тушиши мумкин, негаки у кўп жиҳатдан, масалан, марганец етказиб берилишида Гуржистонга қарам ҳисобланади, деди.**

● СССР Президентининг матбуот хизмати раҳбари Андрей Грачев Михаил Горбачев собиқ иттифоқнинг мусулмон республикаларига қандайдир баёнот билан мурожаат этди, дея тарқалган овозларни рад қилди.

● **Киевга Литва республикаси делегацияси келди. Унга ташқи ишлар вазири Альгирдас Саударгас бошчилик қилмоқда. ТАСС тасдиқлашича, Украина пойтахтида икки мустақил давлатни ўзаро тан олиш ҳақидаги ёрлиқлар алмашинади, Литва Республикаси ва Украина ўртасида иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб борилади.**

● Фуқаро авиацияси вазирлигининг марказий диспетчерлик хизматидан ТАСС мухбирига маълум қилишларича, 12 декабрь куни 92 та аэропортда ёнилғи бўлмаган. Бу — жамики ҳаво йўли қўнғироқларининг ярмидан кўпроғи деган гап. Жумладан, Украина, Кавказ, Қозоғистон, Узоқ Шарқдаги катта-кичик портларда ҳаракат тўхтаб қолди. Ростов, Краснодар, Сочида рейслар бекор қилинди. Бугун — эрта яна 38 та аэропортда ёнилғи тугайди.

● **Чоршанба куни Қозоғистон Олий Кенгаши мажлисида С. Абдулдин республика парламенти раиси этиб сайланди.**

● Москва шаҳар совети Россия Президенти Б. Ельцинга даъво билан РСФСРнинг Конституциявий судига мурожаат этишга қарор қилди. Б. Ельцин республика Асосий Қонунига зид келадиган қоидалар баён этилган фармонлар чиқарганлиги сабабли шунга мажбур бўлинди. Жумладан, бу ерда гап Москва ҳокимлиги, шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳамда ижроия ҳокимияти идораларининг ваколатларига тааллуқли ҳужжатлар ҳақида бормоқда.

● **Украина Олий Кенгаши раёсати Хорватия Республикаси ва Словения Республикаси давлат мустақиллигини эътироф этиш ҳамда улар билан тўлиқ дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди.**

Москвадаги Красная Пресняда «Инпродторгмаш-91» кўргазмаси очилди. Унда озиқ-овқат турларининг ҳаммасидан намуналар қўйилган. Шунисн ҳам борки, Австрия, Германия, бошқа мамлакатларнинг фирмалари қатори совет озиқ-овқат саноати ютуқлари ҳам намойиш этилаяпти. Томошабиналарда бу нодир экспонатлар иштаҳа қўзғаб юборганини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо корни тўйдириш мумкмоси қандай ҳал бўларкин!!

В. СОЗИНОВ олган сурат.

● Футбол қироли Пеленинг 27 яшар қизи топилди. Гап шундаки, яқинда махсус лабораторияда тиббий экспертиза ўтказилди. Машҳур футболчи ва шу пайтгача номи чиқмаган Анизна Мачаду деган бразилиялик аёл синчиклаб ўрганилди. Аёлнинг қизи Сандра Режина Пеленинг қизимэн, дея судга шикоят қилган эди. Лаборатория синовлар бу даъвонинг тўғрилигини тасдиқлади. «Ҳа, бу ҳақиқат, — деди Пеле. — Сандра — менинг қизим. Афсуски, уни илгари билмас эдим. Акс ҳолда бошқа болаларимга ўхшаб яхши маълумот берган бўлардим».

● **Украина Москва учун озиқ-овқат жўнатишга киришди. Вазирлар маҳкамаси Президент Леонид Кравчуннинг кўрсатмасини бажариб, Москва учун 52 минг тонна шакар, 1,6 минг тонна қунғабоқар мойи, 2 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотларини юбориш ҳақида фармойиш берди. Россия ҳукумати буюртмасига мувофиқ шундай қилинаяпти.**

(ТАСС ва марказий матбуот материаллари асосида тайёрланди).

---

29 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

СИНФДОШ

Мен Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг жумҳурият раҳбари сифатидаги фаол давлат ва сиёсий фаолиятини кўпдан бери кузатиб келаман. Болалигимдан яхши билганим боиси унда бундай иқтидор ва хислатлар қачон, қай йўсинда шаклланди экан, дея ўйлаб қоламан. Балки мактабда ўқиб юрган чоғларидадир?

Самарқанд шаҳридаги 21-мактаб ўша даврдаёқ энг кучли билим масканларидан саналарди. Сабаби — муаллимлар жамоаси кучли эди. Орадан 40 йилча вақт ўтган бўлса-да, собиқ ўқувчилар устоз муаллимларни ҳамон тўла исм-шарифлари билан эслайдилар. Бизни ўзбек Ҳалим Абдураҳмонович Абдураҳмонов, ўрис Иван Николаевич Кучинский, арман Самсон Михайлович Мелкумов, татар Моҳира Зариповна Абузарова ўқитишган. Улар чуқур билим берибгина қолмай, ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашишарди, бизда одоб-ахлоқ, нуқтаи назарда устиворлик, меҳрибонлик, байналмилаллик, ҳамдардлик каби инсоний фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилишарди. Урушдан кейинги турмуш оғирлашган, ҳатто нон ҳам танқис бўлган ўша кунларда бизни келажак учун вақт ва куч-ғайратни аямай ўқитишарди.

Ҳамма эзгу ишларда синф ва мактаб бўйича энг фаол ўқувчилардан бири Ислом Каримов эди. У мактаб ва шаҳар олимпиадаларида фаол қатнашарди. Мактабни олтин медаль билан тугатган. Ўқитувчию ўқувчилар унинг бетакрор хотирасидан ҳайратланишарди.

Мактаб йиллари ортда қолиб, ҳар биримиз ҳаётдаги ўз ўрнимизни танладик. Ким муҳандис, ким табиб, кимлар олим, ишчи, ўқитувчи ёхуд математик бўлишди. Аммо ҳамма яхши инсон қилиб тарбиялаб вояга етказган мактабига нисбатан миннатдорчилик хисларини сақлаб қолди.

Жумҳуриятимизда бугун юз бераётган туб ўзгаришларни Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан боғлашаётгани бежиз эмас. Унинг феъли, интилувчанлигини яхши биламан ва ишонаманки, Ўзбекистонни иқтисодий инқироз ва ижтимоий қийинчиликлардан омон олиб чиқиш, фуқаролар турмушини яхшилаш учун куч-ғайратини аямайди.

Яна шуни таъкидлашни истайманки, кўпгина арбоб ва сиёсатдонлар Ўзбекистон жумҳуриятида вазият осойишта, барқарор, Президент олиб бораётган сиёсат пухта ва соғлом эканлигини таъкидламоқдалар.

У нимани кўзласа, комил ишонч ва босиқлик билан қилаяпти.

Ш. ШАРОПОВ,
тарих фанлари доктори, профессор, ТошДУ кафедраси мудири.

Ўзбекистон Республикаси қонуни *ЛОЙИҲА*

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Касаба уюшмалари**

Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

2-модда. **Касаба уюшмалари бирлашиш ҳуқуқи**

Меҳнаткашлар, шунингдек, олий ва махсус ўқув юртларида таълим олаётган шахслар*, ҳеч қандай тафовутсиз ўз хоҳишига кўра ва олдиндан ижозат олмай, касаба уюшмаларини ихтиёрий равишда ўқув юртларида, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларда, республика ва бошқа ҳудудий, тармоқ бирлашмалари** тузишга ҳақлидирлар, шунингдек мустақил давлатлар иттифоқи касаба уюшмалари бирлашмасига кириш, мустақил республикалар (давлатлар) касаба уюшмалари билан уставга риоя этилган ҳолда ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишламайдиган пенсионерларнинг касаба уюшмаси аъзолигига кириши ёки ундан чиқиши тартиби касаба уюшмаларининг уставлари билан тартибга солинади.

Республика касаба уюшмалари бирлашмасига Устав талабларига мувофиқ бутун республика (давлат) ҳудудида фаолият кўрсатувчи ва жойларда ўз ташкилотларига эга бўлган бирлашмалар киради. Бунда республика касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан иборат камида уч минг аъзога эга бўлиши керак.

3-модда. **Касаба уюшмалари бирлашмалари уставини (низомини) рўйхатга олиш**

Республика касаба уюшмалари бирлашмалари уставлари (низомлари) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари уставлари (низомлари)ни рўйхатга олиш ишларини Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатларида юклатилган давлат органлари бажарадилар.

Маҳаллий касаба уюшмалар бирлашмалари уставлари (низомлари) тегишли халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ижроия комитетлари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмалари уставлари (низомлари)ни рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида ариза берилади, у мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар органи аъзолари томонидан имзоланган, ҳар бирининг турар жойи кўрсатилган бўлади. Аризага устав (низом), устав (низом)ни қабул қилган таъсис қурултойи (конференцияси) ёки умумий йиғилиш баённомаси, мазкур Қонуннинг 1 ва 2-моддаси талаблари бажарилишини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Устав (низом)ни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб икки ой ичида кўриб чиқилади.

Касаба уюшмалари бирлашмалари уставлари (низомлари)да бўладиган ўзгаришлар ва тўлдиришлар устав (низом)ни рўйхатга олишнинг ўша тартиби ва муддатига амал қилинган ҳолда киритилади.

4-модда. **Касаба уюшмалари бирлашмаси устави (низоми)ни рўйхатга олишни рад этиш**

Жамоат бирлашмаси устави (низоми) агар касаба уюшмалари бирлашмаси устави (низоми) мазкур Қонуннинг 1 ва 2-моддасига ёки шу номда бўлган касаба уюшмалари бирлашмасининг илгари рўйхатга олинган устави (низоми)га зид келса рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Устав (низом)ни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда ариза берган томонга тақдим этилган устав (низом)нинг қонунчиликка зид келиши кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда маълум қилинади.

Касаба уюшмалари бирлашмаси устави (низоми)ни рўйхатга олиш рад этилганидан норози бўлинган ҳолда судга берилиши ва у фуқаро процессуал қонунчилигида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Республика ёки ҳудудий бирлашма устави (низоми)ни рўйхатга олиш рад этилганда Ўзбекистон Республикаси Олий судига, шу тарзда Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Касаба уюшмалари бирлашмаси устави (низоми) ёки унинг ташкилоти (органи) рўйхатга олинган кундан бошлаб фуқаро қонунчилигига мувофиқ юридик шахс сифатида эътироф этилади.

Касаба уюшмалари бирлашмаси устави (низоми)ни, унга кейинчалик киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида белгиланган миқдорда рўйхатга олиш йиғими ундирилади.

Рўйхатга олувчи орган касаба уюшмаларининг тузилиши ва фаолияти устидан назорат қилмайди. Барча касаба уюшмалари тенг ҳуқуқларидан фойдаланади.

5-модда. **Касаба уюшмаларининг мустақиллиги**

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдир, уларга бўйсунмайди ва улар томонидан назорат қилинмайди. Агар қонунда бошқа тартиб кўзда тутилган бўлмаса, касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларининг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарзда ҳар қандай аралашув ман этилади.

Касаба уюшмалари ўз низомларини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, унинг тузилишини белгилайди, раҳбар органларини сайлайди, ўз фаолиятини ташкил этади, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, съездларини ўтказади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмаси бирлашмаларига ҳамда ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадир.

6-модда. **Фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансублигига қараб камситишни маън этиш**

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансуб ёки мансуб эмасликлари уларнинг қонунларда кафолат берилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бирон-бир тарзда чекланишига сабаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ишга қабул қилиш, иш юзасидан кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш учун муайян касаба уюшмасига мансублик, унга кириш ёки ундан чиқиш шарт қилиб қўйилиши маън этилади.

7-модда. **Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш ёки таъқиқлаш**

Касаба уюшмасининг фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарорига биноан низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси конституцияларига зид келган ҳолларда у Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг тегишли қарорларига биноан Ўзбекистон Республикаси прокурори, Қорақалпоғистон прокурори тақдимномаси бўйича таъқиқланади. Бошқа хил ҳар қандай органлар қарори бўйича касаба уюшмалари фаолиятини таъқиқлашга йўл қўйилмайди.

8-модда. **Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунлар**

Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунлар мазкур жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонундан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Мазкур қонуннинг қоидалари Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қўлланилади, шунингдек республика ташқарисида командировкада бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Мустақил республикалар иттифоқ қуролли кучларида, Ички ишлар, Давлат хавфсизлиги қўмитаси идораларида, ички, темир йўл қўшинларида, бошқа ҳарбий тузилмаларга ушбу қонунни қўллаш хусусиятлари мазкур тузилмалар тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилади.

Мазкур қонунда белгиланган касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва кафолатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан чегараланмайди.

II боб. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

9-модда. **Касаба уюшмаларининг қонун чиқаришни таклиф этиш ва тартиб-қоидани белгилашда қатнашиш ҳуқуқлари**

Республика касаба уюшмалари бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятларининг тегишли олий органларида қонун чиқаришни таклиф этиш ҳуқуқига эгадирлар, меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқаришда қатнашадилар.

Касаба уюшмалари меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек ҳужжатларнинг лойиҳаларини тегишли давлат бошқарув идораларига, хўжалик ва кооператив идораларига киритишга ҳақлидир.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан қабул қилинган меҳнаткашларнинг меҳнат ва социал-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифодаловчи норматив ҳужжатлардан тегишли касаба уюшмалари билан келишган ҳолда икки ҳафта аввал олдиндан хабардор қилиб қабул этилади.

10-модда. **Касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасидаги ҳуқуқлари.**

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилади, давлатнинг иш билан таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашади. Қонунлар асосида жамоа шартномасида белгиланган тарзда корхоналарда ишдан бўшайдиган кишиларнинг ижтимоий ҳимоялаш чораларини таклиф этади. Маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан корхонанинг ва ундаги ички бўлинмаларнинг тугатилиши, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш ва шуларнинг оқибатида иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашуви тегишли касаба уюшмаларининг камида уч ой аввал олдиндан хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмалари иш билан таъминлашнинг аҳволини, иш билан таъминлаш соҳасидаги кафолатларга оид қонунларга риоя этилишини назорат қилади.

Меҳнат шартномаси маъмуриятнинг ташаббуси билан бекор қилинишига Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ, тегишли касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилган тақдирдагина йўл қўйилади.

11-модда. **Касаба уюшмаларининг музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномалари, битимлар тузиш ҳуқуқлари**

Социал-иқтисодий масалалар бўйича битимлар ва жамоа шартномалари касаба уюшмалари билан давлат, хўжалик ва бошқа органлар: тадбиркорлар ва уларнинг бирлашмалари (иттифоқ, уюшма) ва бошқа органлар, шунингдек маъмурият билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлади.

Битим давлат ва хўжалик бошқарувининг, республика, тармоқ, маҳаллий барча даражаларида тузилади. Жамоа шартномалари корхона маъмурияти билан тузилади. Давлат хўжалик бошқаруви органлари касаба уюшмаси органлари билан битимларни ва касаба уюшмаси органларини томонидан битим тузиш тўғрисида таклиф киритилган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида тузадилар.

Битимни ва жамоа шартномасини ишлаб чиқиш, тузиш ва бажаришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари улар тўғрисидаги қонунчилик томонидан аниқланади.

12-модда. **Касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари**

Касаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини муҳофаза қилиш, уйжой шароитларини, ижтимоий суғурта ва меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари, мустақил давлатлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

Касаба уюшмаларининг республика касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорининг асосий мезонларини аниқлашда ўз ваколатлари доирасида иштирок этадилар, қонун йўли билан белгилаб қўйилган турмуш даражасининг энг кам миқдорига риоя этилишини ҳамда пенсиялар, стипендиялар, нафақалар миқдори нарх-навонинг ўсишига қараб ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиладилар.

13-модда. **Касаба уюшмаларининг меҳнат, касаба уюшмалари, уй-жой тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки у ваколат берган бошқарув органи меҳнат, касаба уюшмалари ва уй-жой тўғрисидаги қонунларга риоя қилишини назорат қилиб боради. Давлат ва хўжалик бошқарув органлари, корхона маъмурияти ёки мансабдор шахслар томонидан мазкур масалалар бўйича меҳнаткашлар ҳуқуқи бузилган ҳоллларда касаба уюшмалари уларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома ёки кўрсатма киритадилар.

Органлар ва мансабдор шахслар йўл қўйилган бузилишларни бартараф этишга мажбурдирлар ва бу ҳақда касаба уюшмасига тақдимнома ёки кўрсатмада кўрсатилган муддатда улар киритилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай хабар беришлари керак. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва меҳнатни муҳофаза этиш қоидалари бузилганлиги учун айбдор бўлган мансабдор шахсларга касаба уюшмалари даромадига ўтказишни кўзда тутиб бир минг сўм миқдорида жарима солинади. Шу мақсадда касаба уюшмалари инспекциялар, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур органларни тузади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилганлиги ёки жамоа шартномаси (битим) мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда корхоналар касаба уюшмалари қўмитаси ва раҳбар касаба уюшмалари органлари раҳбарлар ва мансабдорлар ёки улар лавозимини эгаллаб турганлардан меҳнат шартномаси (контракт)ни бузишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Касаба уюшмалар ҳуқуқларини ёки меҳнаткашларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқлари ва манфаатларини бузувчи норматив ҳужжатлар хусусида касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларига шикоят этиши мумкин.

14-модда. **Меҳнат низоларини кўриб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоларининг маъмурият билан якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунга мувофиқ қарорлар қабул қилади.

Касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги, жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжудларини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашади.

15-модда. **Касаба уюшмаларининг меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари юзасидан маълумотларни олиш ҳуқуқи**

Касаба уюшмалари маъмуриятидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқарув идораларидан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумот олишга ҳақлидир.

16-модда. **Касаба уюшмаларининг иш ташлашини эълон қилиш ҳуқуқи**

Касаба уюшмалари қонунга мувофиқ иш ташлашни ташкил этиш ва уни ўтказиш ҳуқуқига эга.

17-модда. **Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини шакллантиришда иштирок этиш**

Касаба уюшмалари халқ депутатларига номзодлар кўрсата олади, уларни қўллаб-қувватлаш учун сайлов кампаниясида иштирок этади. Касаба уюшмалари ташкилотлари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ўз номзодларини давлат бошқарув органлари ва корхоналар раҳбар лавозимлари учун ўз номзодларини кўрсата оладилар.

III боб. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

18-модда. **Давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари маъмурияти ва мансабдор шахсларнинг касаба уюшмаларига нисбатан мажбуриятлари**

Маъмурият, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишга, уларнинг фаолиятига кўмаклашишга мажбурдирлар. Мазкур идоралар ва шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини бузганлик ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлиги учун қонунда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўладилар. Маъмурият, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг вакиллари шу касаба уюшмаси аъзолари ишлаётган корхоналарга устав вазифаларини ва қонунда берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.

19-модда. **Меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари органларига сайланган, ишлаб чиқаришда ишдан озод қилинмаган ходимлар учун кафолатлар**

Касаба уюшма органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришда ишдан озод қилинмаган ходимлар улар аъзо бўлган органнинг олдиндан берган розилигисиз интизомий жазога тортилишлари мумкин эмас. Касаба уюшма органларининг корхона бўлинмаларидаги раҳбарлари корхонадаги тегишли касаба уюшма органи билан олдиндан келишмай туриб, корхонадаги касаба уюшма органларининг раҳбарлари, касаба уюшма ташкилотчилари эса — тегишли касаба уюшма бирлашмаси органи билан олдиндан келишмай туриб интизомий жазога тортилиши мумкин эмас.

Касаба уюшма органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришда ишдан озод қилинмаган шахсларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, у аъзо бўлган касаба уюшма органининг олдиндан берган розилиги билангина, корхонадаги касаба уюшма органларининг раислари ва аъзоларини эса, бундан ташқари фақат тегишли касаба уюшма бирлашмасининг розилиги билан ишдан бўшатишга йўл қўйилади. Тегишли касаба уюшма бирлашмаси органининг розилиги бўлган тақдирдагина касаба уюшма ташкилотчилари ва касаба уюшма гуруҳлари ташкилотчиларини маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари сайлаб қўйилган органларининг ишлаб чиқаришда ўз ишидан озод қилинмаган аъзоларига жамоат шартномаси, битими, белгилаб қўйиладиган шартларга мувофиқ жамоа манфаатлари йўлида жамоат вазифаларини бажариш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан бўш вақт берилади, шунингдек уларнинг қисқа муддатли касаба уюшма ўқуви вақти учун ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари делегат сифатида касаба уюшмалари томонидан чақириладиган съездларда, конференцияларда, шунингдек уларнинг пленумлари ва раёсатлари ишида қатнашадиган вақт учун касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланиб, ишлаб чиқаришдаги ишлардан озод қилинади.

20-модда. **Меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари органларига сайланган, ишлаб чиқаришда ишдан озод қилинган ходимлар учун кафолатлар**

Касаба уюшма органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги оқибатида ишдан озод қилинган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан кейин олдинги иши (лавозими) бўлмаган тақдирда ўша корхонада ёки ходимнинг розилиги билан бошқа корхонада шунга тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади.

Тегишли иш (лавозимни) бериш имконияти бўлмаган тақдирда олдинги иш жойидаги корхона маъмурияти, корхона тугатилган тақдирда эса касаба уюшмаси ходим учун ишга жойлашиш даврида ўртача иш ҳақини сақлаб қолади, лекин бу фақат олти ойдан ошмаслиги керак, малакасини ўзгартириш учун ўқиш чоғида эса бир йил муддатгача ўртача иш ҳақи сақлаб турилади.

Касаба уюшмалари бирлашмалари аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти ва социал суғуртаси тўғрисидаги қонунчилик қўлланилади.

21-модда. **Касаба уюшма органларига сайланган ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг кафолатлари**

Касаба уюшма органлари таркибига сайланган ходимлар сайлов ваколатлари тугагандан сўнг икки йил давомида маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди, корхонани бутунлай тугатиш ёки ходимнинг қонунда ишдан бўшатиш эҳтимоли кўзда тутилган айбли хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳоллари бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда ишдан бўшатиш 19-моддани нинг биринчи қисмида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

22-модда. **Касаба уюшмалари ва уларга бўйсунувчи корхоналарнинг мулкий ва молиявий ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари ва уларнинг органлари қонунга мувофиқ ҳуқуқий шахс ҳисобланади.

Касаба уюшмалари мулкка эгалик ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган молмулк ва пулларга эгалик қилади, улардан фойдаланади ва тасарруф этади.

Касаба уюшмалари давлат, хўжалик, кооператив ва ўзга жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди ва ўз навбатида улар касаба уюшмаларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

Касаба уюшмаси бюджети манбалари, унинг шакланиш тартиби ва маблағдан фойдаланиш тартиби касаба уюшмалари уставида белгилаб берилади.

Касаба уюшмаларининг ўз уставларига мувофиқ амалга ошириладиган молиявий фаолияти (тижорат фаолиятидан ташқари) давлат томонидан назорат қилинмайди.

Касаба уюшмаларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг манбалари, улар олган маблағ миқдори ва тўлаган солиқ миқдори давлат молия идоралари ва солиқ инспекциялари томонидан қонунга мувофиқ назорат қилинади.

Касаба уюшмалари ўзларининг уставда ёзилган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ белгилаб қўйилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш, касаба уюшмаларининг банкларини, суғурта ва акционерлик жамиятларини, қўшма тижорат корхоналарини барпо этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, зарур бирдамлик жамғармалари, маданий-маърифий ва ўзга зарур жамғармалар тузиш ҳуқуқига эгадир.

23-модда. **Корхонанинг касаба уюшмалари фаолияти учун моддий шароит яратиш юзасидан вазифалари**

Корхона маъмурияти касаба уюшмаларига уларнинг фаолияти учун зарур бўлган жиҳозланган биноларни фойдаланиш учун текинга беради, биноларни бериш шартлари маъмурият ва касаба уюшмалари иштирокида меҳнат жамоасининг қарори билан белгиланади.

Жамоа шартномаси тузиш чоғида қабул қилинган қарорга мувофиқ корхона касаба уюшмаларига текинга фойдаланиш учун корхона балансида турган ёки улар ижарага олган бинолар, ёҳоналар, қурилмалар ва бошқа иншоотларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари билан маданий-маърифий, физкультура соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш базаларини, болалар-ўсмирлар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларини беради.

Корхона касаба уюшмаларига жамоа шартномасида белгиланган мақсадлар учун қонунда белгилаб қўйилган миқдорда маблағ ўтказади.

Корхонада иш олиб борадиган касаба уюшмаларининг фаолияти учун бошқа моддий шароитларни яратиш жамоа шартномаси (битим) билан тартибга солинади.

Ушбу лойиҳа юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни 1991 йил 25-декабрдан кечикмай қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 24-уй.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ БЎЛИМИ.

*Бундан бўён — меҳнаткашлар деб юритилади.

**Корхоналар (бирлашмалар), муассасалар, ташкилотлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шакларидан қатъи назар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари бундан бўён корхоналар деб, уларнинг бошқарув идоралари эса маъмурият деб юритилади. Бошқа иш жойлари деганда, якка тартибдаги ва меҳнат фаолияти назарда тутилади.

СИРДАРЁ вилояти. Ильич районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилган. Улардан бири — «Бахмал» номи билан аталган уюшманинг тузилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ишбилармон Уммат Шойимов бошлиқ чорвадорларнинг меҳнат самараси юзага чиқа бошлади. Давлатга шартномада белгиланган сут, гўшт топшириш режалари уддаланиб, ортиқча етиштирилган маҳсулотдан жамоа аъзолари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

СУРАТДА: чўпон Маъмуржон Яхшибоев (чапда) ва фермер Уммат Шойимов говмуш ҳолатини кўздан кечирмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Шофиркон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги далаларида тугаб бораётган мавсум ишлари ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Лекин унинг меҳнаткашлари келгуси қишлоқ хўжалик йилига ҳозирлик кўришмоқда. Хўжалик ремонтчилари техникани тиклашмоқда, бу техника баҳор фаслида деҳқонларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлади.

Слесарлар эҳтиёт қисмлар ҳамда агрегатлар етказиб беришда узилиш бўлаётганига қарамай, ишларни яхши йўлга қўйдилар. Машиналар тузилган жадвал асосида ўз вақтида ремонтдан чиқарилмоқда. Бу шу билан изоҳланадики, жамоа хўжалигида жиддий шикастланган техника деярли йўқ. Хўжаликда ҳар бир тракторни алоҳида механизаторга бириктириб қўйишган. У бутун мавсум давомида машинани кузатиб боради. Шундай қилиб, механик ҳайдовчилар ўз машиналари тинимсиз ишлашидан манфаатдордирлар.

Тугаб бораётган мавсум ҳам буни исботлади. Хўжалик пахтакорлари октябрь ойининг охиридаёқ етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олдилар. Гектар бошига ўрта ҳисобда 35 центнердан, илғор бригадаларда эса 40 центнердан кўпроқ хом ашё олинди. Пахтанинг кўпчилик қисми машиналарда терилди. Ҳосили йиғиштириб олинган далаларга ҳайдов тракторлари чиқарилди. Айни вақтда далалар текисланди, маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. Устахоналарда тайёрланган механизмлар бирор марта ҳам панд бермади. Натижада деҳқончилик ишларини тез ва соз ўтказиш имконияти туғилди.

БОҒЛАР ПАЙДО БЎЛДИ

Янгиариқ районидаги Чапаев номли жамоа хўжалигида боғдорчилик яна алоҳида тармоққа айлантирилди. Энди бу ерда мевали дарахтлар майдони 70 гектарга етказилди. Келаси йилда мўл ҳосил бўлиши кутилмоқда.

Хўжаликда илгари ҳам боғлар ва токзорлар бор эди, лекин улар аста-секин йўқ бўлиб кетди. Кўп йиллар мобайнида тармоққа кам эътибор беришди. Миришкор боғбонлар, махсус техника, кўчатлар етишмасди. Хўжаликка яқин ерда туямўйин сув омбори жойлашгани ҳам бунга ҳалақит беради. Ер ости сувлари кўтарилиб дарахтларга қирғин келганди.

Энди хўжаликда мевазор майдонлар тиклашга қарор қилишди. Тепаликдан жой танлашди, у ерга сув олиб чиқишди, кўчатхоналардан шафтоли, олхўри, беҳи, ўрик, олманинг мўл ҳосил берадиган кўчатларини сотиб олишди. Ижара жамоалари эса боғларга парвариш берадиган бўлди. Бу йил ёз фаслида жамоа хўжалиги меҳнаткашлари дастлабки ҳосилни йиғиштириб олдилар. Ҳосил унча кўп эмасди, лекин мевалар жамоа хўжалиги аъзоларигагина эмас, айни вақтда район маркази ҳамда қўшни қишлоқларнинг аҳолисига сотиш учун ҳам етди.

«Ўзбекбирлашув» бошқарувида

ХАЛҚ ҒАМИНИ ЕМАГАНЛАРИ УЧУН

«Ўзбекбирлашув» бошқарувининг 12 ноябрь ва 2 декабрь кунлари бўлиб ўтган мажлисларида республика қишлоқ аҳолисини нормаланган товарлар билан белгиланган рўйхат бўйича таъминлаш масалалари юзасидан вилоят матлубот жамиятлари уюшмаларининг раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда Сурхондарё, Хоразм ва Андижон вилоят матлубот жамиятлари уюшмалари раҳбарлари шаънига жиддий эътирозлар билдирилди. Аҳолини нормаланган товарлар билан ўз вақтида таъмин этмаганликлари учун Андижон вилояти бўйича кооператив ташкилотнинг беш раиси, савдо базасининг бир директори, район матлубот жамиятлари уюшмаси раисининг бир ўринбосари вазифасидан четлаштирилганлиги ҳақидаги ахборот инобатга олинди.

Ишда жиддий хатоларга йўл қўйганликлари учун Тошкент вилояти бўйича район матлубот жамиятлари уюшмалари ҳамда қишлоқ матлубот жамиятлари раҳбарларидан ўн бир нафари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Сурхондарё вилоятида бирта РайПО раиси, тўртта район матлубот жамиятлари уюшмаси ва матлубот жамияти раҳбарига қаттиқ хайфсан берилди, 68 нафар моддий жавобгар шахс эгаллаб турган мансабларидан четлаштирилди.

Хоразм вилоятида ўн икки нафар моддий жавобгар шахс ишдан олинди, матлубот жамиятларининг беш раҳбарига қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

«Ўзбекбирлашув» бошқарувининг кейинги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари А. М. Муталов қатнашди ва нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ:

16 ДЕКАБРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЯГА РАСМИЙ САФАРИ БОШЛАНАДИ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

1991 йил 19 апрелдан 19 июнгача Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари бўйлаб ЮНЕСКО томонидан ўтказилган «Буюк ипак йўли» — мулоқот йўли» экспедицияси қатнашчиси сифатида 26 хорижий мамлакатлардан келган олимлар билан икки ой давомида яқиндан мулоқотда бўлдим.

Сафар чоғида Туркиянинг Мармара университети қошидаги Туркий изланишлар институтининг профессори Нодир Давлат билан қизғин баҳслар ташкил этдик. Баҳс мавзуси айланиб-айланиб бир масалага — она тилимиз ҳамда алифбомиз муаммосига келиб тақалар эди.

Она тилимиз давлат тили мақомини олишига қарамасдан, расмий учрашувларда ва бошқа кўплаб жойларда ҳалигача рус тилида сўзлашишимиз, ўз она тилимизда деярли суҳбатлашмаслигимиз олимларни лол қолдирди. Чунки биз рус ва она тилимиздан бошқа тилларни билмас эдик-да. Хорижликлар бўлса она тилларидан ташқари инглиз тилида мукаммал гаплаша олишар ва олмон, франгийда ҳам мулоқот қилардилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистонликлардан бир неча кишигина инглиз тилида базўр гаплаша олардилар. Бу ҳолат каминада, нима учун бундай, деган савол туғдирди ва ўзимча жавоб топгандай бўлдим.

Собиқ Советлар иттифоқининг Оврупо қисмида, яъни Марказий Россия мактаблари ва олийгоҳларида асосан инглиз, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида бўлса асосан олмон ёки франг тили ўргатилиб келинди. Инглиз тили XX аср жаҳон тили бўлган бир пайтда нима учун шундай қилинди? Мантиқан келиб чиқадиган жавоб шуки: бир томондан деярли бир аср давомида руслаштирилган қарам халқлар ўз она тилларини унутмоқлари, фақат рус тилини ўрганмоқлари шарт қилиб қўйилган бўлса, иккинчидан, маҳаллий миллатлар жаҳон тилини билмаганликлари учун ҳам руслар орқали хориж билан мулоқотда бўлмоғи лозим эди. Бу вазият ерли аҳолининг иқтисодий, тил ва маданият жиҳатдан қарам ва қул қилишни таъминлар эди.

Она тилимизни унутиб боришимизга, меросимиздан фойдалана олмаслигимизга қаратилган яна бир сиёсий чора шу бўлдики, бир ярим минг йиллик тарихга ва тажрибага эга бўлган араб алифбосига асосланган эски ёзувимиз 1923 йилда қисман ислоҳ қилинди, 1929 йили ўзбек ёзуви тўққиз унлига асосланган лотин алифбосига ўтказилади ва 1935 йили беш унлига асосланган лотин алифбоси қабул қилиниб, 1940 йилда рус-кириллица алифбосига батамом ўтказилди. Бу каби ислоҳлар ҳаётимизнинг барча соҳасида зўрлик ва тазйиқ билан амалга оширилди, натижада боболар, момолар (шаҳар жойларда) неваралари билан ўз она тилида гаплаша олмай қолдилар. Чунки рус тили жамиятимизда расмий тил, мансаб ва келажаги «порлоқ» тилга айлантирилганлигидан кўплаб оилалар ўз фарзандларини рус мактабларига бердилар, бу билан гўёки фарзандининг келажагини таъминладилар. Тўғри, ўзга тилни билиш — тараққиёт қонуни, шу сабабли ҳам истиқболни ўйлаган ҳар бир инсон хорижий тилларни билиши шарт. Аммо ўз она тилини унутиш ёки фақатгина рус тилини ўрганиш эвазига эмас!

Аждодларимиз ўз она тиллари билан баб-баравар хорижий тилни, тўғрироғи, дунёвий-жаҳон тилини билганлар ва у тилларда ижод қилганлар. Нима учундир биз буни унутдик. Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Улуғбек, Али Қушчига ўхшаш аждодларимиз оламга машҳурлигининг яна бир сабаби дунёвий тилларни билиши эканлигидан кўз юмдик.

Ўз-ўзлигимизни англаш даври етган экан, чуқур мушоҳада билан вазиятни тўғриламоқ керакдир. Камина тилчи бўлмасам-да, тилимиз ва ёзувимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий томонлари ҳақида икки оғиз фикр юритмоқни лозим топдим.

Она тилимиз ҳақида сўз юритиш бошланган ва унга давлат мақоми берилгани билан, жумҳуриятимизда бу ҳақда турли йўналишлар пайдо бўлди ва улар турфа фикр юритмоқдалар.

Нодир Давлат билан баҳс юритар эканмиз, ана шу фикрларни ўртоқлашдик ва бугунги кундаги вазиятни бир қадар муҳокама қилдик.

Араб алифбосига қадар барча туркий тилда сўзлашувчи халқлар ўрхон-енисей ёзмасидан фойдаланганлар. Деярли 1,5 асрлик араб истилоси даврида сақланиб келди. Бир алифбога бирлашган Оврупо 17-18 асрда уйғониш даврини бошдан кечирди ва юксакликка юз тутди. Бу даврга келиб ер юзининг ривожланган қисми имлосида асосан тўрт йўналиш бор эди. Кунчиқардан Япония, Корея, Хитой халқлари пероглифларда, Оврупо лотин алифбосида ёзди. Оврупо-Осиё қисми эса Чор Россияси ва Советлар империяси тазйиқи остида рус-кириллица алифбосига ўтдилар. Шу ўринда айтиш лозимки: Оврупо халқлари тушунган ҳолда лотин алифбосини эркин қабул қилиб бирлашган, кунчиқардагилар ўз имлосида қолган бўлсалар, Араб дунёси ва Африкаликларнинг асосий қисми араб имлосида қолсалар, советлар диёридаги араб имлосида ёзган халқлар дастлаб лотин алифбосига ўтказилдилар. Бу зўрлик маълум даражада туркий халқлар учун фойдали эди. Чунки улар эндиликда бу ёзма билан Оврупога чиқа олиши мумкин эди. Лекин бу ҳолатнинг ўз сиёсатларидаги муҳим хато эканлигини англаб қолган (Туркия ҳам лотин алифбосига ўтганди) марказ туркий халқларнинг бирлашишидан чўчиб, тезликда Совет Иттифоқида яшаётган туркий халқларни 1940 йилда рус-кириллицага ўтказиб, уларни қардошларидан ажратиб ташладилар ва бўлиб ташлаб ҳукмронлик қил, ақидаси бўйича иш тутдилар. Натижада биз меросимизни ўрганишдан маҳрум бўлиш билан бирга, тилимизни ҳам унута бордик. Ана шу каби кўплаб ҳолатлардан тўғри хулоса чиқармасдан ҳозир ҳам шошма-шошарлик билан иш юритмоқдамизки, у нимага олиб келар экан...

Бир ярим асрлик араб имлоси бизни араб қилмаган бўлса ҳам, 50 йиллик рус-кириллица имлоси аксарият одамларимизни руслаштириб қўйганлигидан хулоса қилиш вақти етмадимикин?

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозир араб имлосига ўтишни хоҳловчилар кўп. Бундан мақсад битта — у ҳам бўлса аждодларимиз меросидан тўлиқ фойдаланиш. Яхши мақсад. Аммо менинг назаримда баъзи бир баҳсга сазовор томонлар ҳам бор, улар қуйидагилар:

Араб имлосига қайтиш билан биз яна ўз қобиғимизга ўралиб қолмаймизми? Бундай дейишимга сабаб, ҳозирда барча туркий халқлар лотин имлосига ўтишни мақсад қилиб биргаликда иш олиб бораётган даврда, биз ўзбеклар араб имлосида қолсак, яна ўз ёғимизга ўзимиз қовурилмаймизми? Ахир араб имлосини билиш араб тилини билиш деган гап эмас-ку. Араб имлосида ўзбек тилида ёзадиган бўлсак, бизни ким ўқийди? Ва биз кимларни ўқий оламиз? Шу ҳолатда барча туркий халқлардан яна ажралиб қолмаймизми? Қолаверса, меросни ўрганиш учун батамом араб имлосига ўтиш шартми? Меросни ўрганувчи мутахассислар учун бугунги кунда йўл очиқ. Нима учун Оврупо халқлари лотин имлосини ташлаб, тарихий имлосига ўтишни мақсад қилиб қўймайдилар? Чунки бунга эҳтиёж йўқ. Эҳтиёжи бор одамлар уни ўрганиб ,тарихий маданият билан шуғулланишмоқда-ку!

Биз ўз тарихимизда 1929 йилдан 1940 йилга қадар лотин имлоси асосида ўзбек тилида иш юритиб келдик ва бу даврда, бир қарашда, ҳаётимизда муҳим из қолдирмагандай туюлади. Аммо 1926 йилдан бошлаб туркий халқларнинг деярли барчаси лотин имлосига ўтишини, ўтиш истаклари ва ҳаракатларини ҳисобга олсак, бу ишнинг узоқни кўзлаб қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки бу бир тилда сўзлашувчи, тарихи, маданияти яқин, қондош халқларнинг ёзмада бир-биридан ажралиб қолмаслик учун қилинган ҳаракатлари эди. Жадидлар, ёш туркистонликларнинг мустақил туркий давлат тузиш ҳаракатининг кучайиб боришидан хавфсираган марказ буларни пантуркизмда айблаб, сунъий равишда бўлиб ташлади ва ҳаракат тўхтатилди. Мантиқан олганда, нима учун ўз миллий бирлигига ҳаракат қилганларни айблаш керак? Ит ҳураверсин, карвон ўтаверсин, деб аждодларимиз бекорга айтишмаган. Шу ота сўз (туркчада мақолни ота сўз дейишади)га амал қилган Туркия олимлари туркий халқлар ўртасида ягона алифбо қабул қилиш юзасидан иш олиб бормоқдалар.

Мармара университети қошидаги Туркий изланишлар институти раҳбарлари, ходимлари томонидан «Замонавий турк алифболари» анжумани (18—20 ноябрь) чақирилди. Бу анжуманга камина ҳам таклиф олдим ва қатнашдим.

Таклиф юзасидан ҳужжат тўғрилаб (14.XI.91 й.) Москвадаги доимий ваколатхонамизга бордим. Ваколатхона ходимлари менга Турк элчихонасидан виза қўйдиришлари лозим эди. Роса 21 кун аввал юборилган паспортимга ҳали ҳам виза қўйдирилмаганлигини айтиб, кутишимни тайинлашди. Туркиядан берган хабарлари бўйича, биз Москвадан 17/XI да учишимиз ва билетни уч кун аввал, яъни 14/XI.91 йилда олишимиз лозим эди. Лекин менга визани 15 ноябрь — жума иш кунининг охирида беришди. Не кўз билан кўрайки, 11 санада виза қўйилган, аммо паспортимни шу маҳалгача олиб келишмаган эди. Виза бўлимида икки рус ходими ишлайди. Нега шундай бўлди? Сабаби қоронғироқ, лекин нима учунлигини фахмлагандайман... Шундай қилиб, иш куни тамом. Турк ҳаво йўллари шанбада ишламайди. Самолёт бўлса 17 ноябрь — бозор куни Истамбулга учади, билет бўлса йўқ. Бундай аҳмоқ қилгандан кўра очиқданочиқ бормайсан деб қўйишса, оворагарчилик йўқ эди. Лекин омадим чопган экан, паспортимни олишим билан Турк ҳаво йўлларига кеч бўлса-да, қўнғироқ қилдим. Ҳа, оллоҳ қўллади, кассир қиз (рус) жавоб қилди ва менинг кимлигимни билгач, билетингиз сотилиб бўлган, деб жавоб берди. Мен унга вазиятни тушунтириб, Турк ҳаво йўллари бошлиғи билан учрашмоқ ниятимни айтдим. Эртага хабар олинг, деган жавобни олдим. Эртаси куни эрталаб у ерда бўлдим ва не бахтки, бошлиқ жойида экан. Мен ҳақимда унга қўнғироқ қилишибди, атайлаб келибди, ана инсонийлик. У менга бир соат ичида билет тўғрилаб берди. Энди пул — валюта олиш катта муаммо эди. Тўғри, Туркия бизнинг ётоқ, емоқ ва транспорт ҳаражатларимизни ўз бўйнига олганди. Аммо нима бўлгандаям бир чақасиз хорижий мамлакатга боришимиз қизиқ-да! Тошкентдагилар Москвадан пул алмаштирасиз деган бўлсалар, Москвада (ваколатхонада)гилар Тошкентдан алмаштириб олишингиз керак эди, дедилар. Хуллас, кўпчилигимиз (18 киши) бир чақасиз «ё, худо» деб йўлга тушдик.

Мана, Истамбулда бизни кутиб олишиб, «Ўгратманлар (Ўқитувчилар) уйи» мусофирхонасига жойлаштиришди. Симпозиум Мармара университетининг мажлислар залида бошланди ва уни университет ректори профессор Ўрхон Ўғуз очди. Уч кун давом этган анжуманда Совет Иттифоқида яшовчи туркий халқлардан жами 26 киши қатнашди. Тилшунос олимлар даврасида бир мен элшунос эдим. Муштарийларда «ие, тилчилар даврасида, алифбо анжуманида элшунос нима қилиб юрибди?» каби савол туғилиши мумкин, чунки бундай саволни менга кўплар беришди. Анжуманга таклиф этилишимнинг боиси, менинг ҳозирги кундаги изланаётган мавзуим хорижда яшовчи туркистонликлар этнографияси ҳақида бўлиб, тил ва ёзув унинг бир қисмидир. Айни пайтда, хорижий давлатларда 4 миллиондан ортиқ ўзбек ватандошларимиз яшаб, ижод қиладилар, уларнинг ҳаёти ва тақдири биз учун бефарқ бўлмаслиги аниқ ва шартдир.

Йиғилган тилчи, туркшунос олим ва мутахассислар уч гуруҳга бўлиниб уч кун давомида ўз жумҳуриятимизда бўлиб ўтаётган алифбо муаммолари тўғрисида маъруза қилдик. Ўзбекистон ҳақида камина ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тил институти илмий ходими Бердиёр Юсупов (Бердиёр Туркияда турк-ўзбек ва ўзбек-турк луғатини тайёрлаш учун таклиф этилган) уч соат давомида маъруза қилдик ва кўплаб саволларга жавоб бердик. Маъруза қилганларнинг барчаси ягона бир фикрни ўртага ташлашди, у ҳам бўлса рус-кириллица алифбоси туркий халқлар ёзмаси сифатида вазифа бажара олмаслиги, ҳозирги ҳолатда туркигўйлар бир-бирининг ёзмаларини ўқиб тушуна олмасликлари айтилди. Демак, бутун турк дунёси ягона бир алифбога ўтиши шарт, деган хулосага ҳамма қўшилди. Туркий халқлар учун ягона алифбо сифатида лотин алифбосини асос қилиб олишга қарор қилинди...

Ўйлаймизки, тилчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик бу борада ўз мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар.

Холйигит САНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти этнография бўлими докторанти.

ТИЛУ, ДИЛУ ДИНИМИЗ БИР

АММО ЁЗУВИМИЗ ЎЗГАЧА. НЕГА ШУНДАЙ?

ЖОН ТУРКИЯМ

Собир ҚОРҒАР
(афғонистонлик ўзбек шоири)

Туркиям, ўз Туркиям, жоним менинг шон Туркиям;
Ер юзида борму сендек бир асил қон Туркиям!
Сен ки ўл ўн олти юлдузлар улуғ авлодисен,
Арслонлар, Фотиҳлар тупроғисен хон Туркиям.

Каъбасен бизга, ўпармиз қутлу тўпроқларингни,
Бир қуёшсен биз учун, нурингга қурбон Туркиям!
Тўлқиниб турган денгиздек ой, юлдуз бойроғингга
Бир қараймен, минг яшаймен борлиғимсен Туркиям.

Ким жасорат қилиб билсун сенга шум кўзла қараб;
Кўр қилар ўл кўзлари ўрдуларинг он Туркиям.
Махтанур ҳар Турк ўзи мундоғ гўзал диёр учун,
Жон федо, жонлар федо бўлсун сенга, жон Туркиям.

СЎРДИМ САРИ ЧЕЧАКДИН

Юнус ЭМРО
(Туркия)

Сўрдим сари чечакдин
Юзинг недан саридир
Чечак айтир эй дарвиш
Оҳим тоғлар эритир

Яна сўрдим чечакдин
Сизда ўлим бармидир
Чечак айтир эй дарвиш
Ўлимсиз ер бармидир

Яна сўрдим чечакдин
Қишин нерда бўлирсиз
Чечак айтир эй дарвиш
Қишин турпоқ бўлирмиз

Яна сўрдим чечакдин
Тамуғ*а кирармисиз
Чечак айтир эй дарвиш
Ул мункирлар еридир

Яна сўрдим чечакдин
Учмағ*а кирармисиз
Чечак айтир эй дарвиш
Учмағ одам шаҳридир

Яна сўрдим чечакдин
Гул сизин нениз бўлур
Чечак айтир эй дарвиш
Гул Муҳаммад теридир

Яна сўрдим чечакдин
Ато*ни билармисиз
Чечак айтир эй дарвиш
Ато мингдан биридир

Яна сўрдим чечакдин
Қирқлар*ни билармисиз
Чечак айтир эй дарвиш
Қирқлар Оллоҳ ёридир

Яна сўрдим чечакдин
Рангни нердин олурсиз
Чечак айтир эй дарвиш
Ой ила Кун нуридир

Яна сўрдим чечакдин
Бўйнинг недин эгридир
Чечак айтир эй дарвиш
Кўнглим Ҳаққа тўғридир

Яна сўрдим чечакдин
Она-отанг бормидир
Чечак айтир эй дарвиш
Бу не ажаб сўровдир

Яна сўрдим чечакдин
Сен Каъбани кўрдингми
Чечак айтир эй дарвиш
Каъба Оллоҳ уйидир

Яна сўрдим чечакдин
Сен Сиротни кўрдингми
Чечак айтир эй дарвиш
Ул жаннинг йўлидир

Яна сўрдим чечакдин
Кўзинг нечун ёшлидир
Чечак айтир эй дарвиш
Бағрим яра — тошлидир

Ишқинг олди мендан мени
Кўнгил истар фақат сени
Мен ёнурман туну куни
Кўнгил истар фақат сени

На бойликка суйиларам
На йўқликка куйиларам
Ишқинг ила тўйиларам
Кўнгил истар фақат сени

Ишқинг ошиқлар ўлдирур
Ишқ денгизига тўлдирур
Тажалли ила қолдирур
Кўнгил истар фақат сени

Ишқинг шаробидан ичам
Мажнун бўлиб тоққа тушам
Сенсан туну кун андишам
Кўнгил истар фақат сени

Сўфилара суҳбат керак
Ахилара охират керак
Мажнунлара Лайло керак
Кўнгил истар фақат сени

Агар мени ўлдирсалар
Кулим кўкка совурсалар
Турпоғим анда чақира
Кўнгил истар фақат сени

Юнус эрур менинг отим
Кун кулгунча ортар ўтим
Икки жаҳонда мақсудим
Кўнгил истар фақат сени

* Тамуғ — жаҳаннам.
* Учмағ — жаннат.
* Ато — Одам Ато
* Қирқлар — Ғайб валиларининг бир гуруҳи.

ҚУТЛУҒ ТОШ

Али ОҚБОШ
(Туркия)

Бу кеча кўк бароқ, ой сини-сини*,
Олис иқлимларга қанот ёзаман.
Учгил хаёл қушим — олиб уч мени,
Кетгумдир ўзга бир аср узра мен:
Сайр этармиз бир-бир Чинни, Мочинни,
Оромжон Қоф тоғларин кезамиз,
Утўкан*да мангу бода ичамиз.
Бошла, шу инжа йўл элтар Туронга,
Унда мудроқ, ўрмон, тоғлар кўлкаси.
Савашлар тўш-тўша, жон берар жонга,
Эшитилар ўқдек нағаллар саси.
Бир арзиҳолим бор Баҳодир Хонга;
Қалқсин орадаги замон пардаси,
Кечмишни яширган тумон пардаси.
Субҳидам кўзғолган бир туман черик
Кўнгиллари ипак, ёллари қати,
Бир онда даъфатан қопламиш ерни,
Хилқат улар учун яратмиш отни.
Отамиз Тангриқут Мэтэдан бери
Кўрилмасмиш бунда ер салтанати,
Қанотли отларнинг ҳур салтанати.
Бир нозли қуш каби гўё оғар жон,
Бу тоғларда ҳар тошга бир бош инар.
Шаффоф сув мисоли ерга оқар қон,
Ҳар йилга уч сулҳ,
беш ҳарб-саваш инар.
Боболар қилич-ла ёздиғи достон,
Қалам-ла ёзилса кўп ёвош инар,
Эшитсам, кўнглима бир оташ инар,
Оқ сочли элчининг келтирган тоши
Бир Хажарул ас-ваълф — бир қутлуғ қоя,
Унга ўтиргандир балки Қуршадин*,
Бу жойдан боқгандир юлдузга, ойга.
Ў, бунда кечмишдир минглар саваши,
Ҳокимлик этилмиш Ўрол-Олтойга
Ва йўллар очилмиш ҳур қизилойга*.
Тангри тоғи —балли, она-Ватанга,
Ўз ранги кўчмишдир ўзин юзига.
Йилларким, қиличлар кирмамиш қинга,
Ғоҳо Чинга урулмиш, ғоҳо ўзига.
Тоғ чўққиларидан кўчган пўртана
Турурмиш киргунча энг гўзал динга;
Бизларни чорламиш Макка, Мадина.
Қадрини билурмиз тупроғин, тошин,
Учган қушнинг, эсган елнинг қадрини.
Қадрини билурмиз қавм-қардошнинг,
Кўчган элнинг, қолган элнинг қадрини.
Қадрини билурмиз сулҳнинг, савашнинг,
Қирмизи қон, ипак тўрнинг қадрини,
Оллоҳ яратган қулнинг қадрини.
Мен бир далли Туркмен, тилимда турки,
Отим тиззаламиш—отдан тушмишам.
Ҳаромилар киймиш обойи курки*,
Шон-шуҳрат ва салтанатдан тушмишам.
Терсина дўнаюр фалакнинг чархи,
Бирин-бирин ўнгди қўрқинчли тушим.
Бу водийга самоватдан тушмишам.
Келмиш-кетмиш ипак юкли карвонлар,
Бирда уйғондимки, кун шомга дўнмиш.
Асрлар ортида нидо, суронлар,
Бир ёқ тўқлиқ, бир ён очликка энмиш.
Йўл узоқ, вақт эса кўп чопағонлар,
Водийлар йўл бермас: қояли тошлик,
Даврон югрик отин, ҳайда, қардошлик.
Фазо асри... ҳаммаси ўзгача бунда,
Дунё бомба каби портлая билур.
Ўйлаб ўтирилмас йўл кесишганда,
Тарифа куч филни ўлдира билур,
Тарих илк онамиз Тангри тоғинда
Қандоқ бир хотира сақлая билур,
Қандоққи, юзини оқлая билур.
Доим қутлуғ эмас, йўқ, инсон ақли,
Шимарқи, суюмли, золим ва олчоқ.
Олам бир-бири-ла қонли, пичоқли,
Ботирни ўзига тортади ботқоқ,
Ўзин ичиндадир ҳар мева қуртн.
Қуёш мангу Шарқдан чиқажак бироқ,
Улкан бир гул каби ҳилпирар санжоқ*!

* Сини — баркаш
*Утўкан — Тангри тоғидаги илк турк макони
*Қати — таранг
*Қуршадин — Кўктурк ҳоқонларидан бир шаҳзода
*Қизилой (Қизилолма) — жой номи
*Обойи кўрки — либос номи
*Санжоқ — туғ, байроқ

Турк туркчасидан ўзбек туркчасига Азим СУЮН табдил қилган.

Истамбул шаҳри диққатга сазовор жойлари билан жаҳонга машҳур. Айниқса унинг бозорлари донг таратган.
СУРАТДА: «Капали чорси» бозорига кириладиган жойда.

Измир шаҳри катта портлардан бири ҳисобланади. Бу ерда одатда турли давлатларнинг байроқлари ҳилпираб турганига гувоҳ бўлиш мумкин.

ВАҲИМА ҚИЛМАЙЛИК

Маълумки, Ўзбекистонда ун ва нонинг эски, арзон нархи сақланиб қолди. Бу республика умумжамғармаси учун катта зарар, аммо, менимча, ҳозир бунга бардош берилаяпти. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам аввалги йиллардагидек ҳолатда сақланиб турибди, аммо кейинги шовшувлар оқибатидагина ваҳима кучайди.

Талон чиқди-ю, ҳамма ёқ талангандай бўлди-қолди.

Бизда қанақасига очарчилик бўлиши мумкин? Жиззах вилоятидаги тўйларга бир келиб кўринг: ҳеч нарса ўзгармаган, тақчилликнинг соғи ҳам кўринмайди. Ўша тўкин дастурхон, турфа озиқ-овқатлар.

Ана шу — тўй манзарасининг ўзи ҳам бизда ваҳимага ўрин йўқлигини таъкидлайди. Бошқа исбот керак эмас.

Фақат қаёқлардандир бизгача етиб келган ваҳима, Москва телекўрсатувларида берилаётган нон дўконидаги турнақатор навбатлар... кишиларни чалғитмоқда. Нима бўлганда ҳам, ҳатто биз ўз мустақиллигимизни эълон қилган бўлсакда, ҳозирча бир мамлакатдамиз-да.

Илгарилари мен раҳбарлик қилаётган комбинатда бир кунда ёпилган 5 тонна уннинг нони биз хизмат қиладиган ҳудудга етиб ортарди. Халқ орасида ваҳима кучая борган сари нонга ҳам талаб кўчайди. Бир кунда аввал 8, кейин 10, ҳозир эса 13 тоннага қадар нон тайёрлаяпмиз, аммо шу ҳам етмаяпти. Бўлса яна бер, дейишаяпти. Бизда ун етишмовчилиги деган гап йўқ, нон ёпиб улгурсак, бас.

Бизни қийнаётган нарса — асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар. Улар ҳеч ерда йўқ, иттифоқ бўйлаб изғисанг ҳам топишинг қийин. Россияга бориб битта темирни сўрасанг ўрнига сабзавот, қовун-тарвуз сўрайди. Бунақа нарсалар билан олди-берди қилишга имконимиз йўқ. Чунки биз давлат ҳисобига кун кўрамиз. Тўғрисини айтганда, бозор шароитида бунақа корхоналарнинг ҳолига вой экан. Энг паст ойлик — бизда. Ишчиларимиз яхшироқ ойлик берадиган жой чиқиб қолса, шартта ўтиб кетишади. Очиғи, бир кунимизни кўришга мажбурмиз. Бизни фақат нон етишмай қолган кунлардагина эслашади.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишади. Юқоридаги гапларни аҳволимиз ҳавас қиладиган даражада эмаслигидан айтдим...

Фарҳод ШАРИПОВ,
Пахтакор шаҳар нон комбинати директори.

Қалам учида алам

«АДОЛАТ»НИ АЛДАШМОҚДА

ВАЗИРЛАР маҳкамасининг шу йил 18 февралдаги қарори билан бозор даврида катта-кичик корхонаю ташкилотлар, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам-маслаҳат берувчи хўжалик ҳисобидаги «Адолат» ҳуқуқий маркази ташкил этилганди. Орадан кўп ўтмай марказнинг Тошкент вилоят бўлими ҳам ўз мақомига эга бўлди. Бироқ ҳар қандай ташкилот, муассаса қўнимгоҳсиз ишлай олмайди. «Адолат»нинг жонкуяр хизматчилари Бешёғоч даҳасидаги 5-уйнинг қаровсиз қолган телефон алоқа бурчагини манзил учун маъқул топишди. Тез орада Октябрь райони раҳбарияти билан келишилди ва ҳужжатлар тўлдирилди.

Афсуски, шаҳар ижроқўмидаги раҳбарларнинг тўрачилиги оқибатида бу масала ҳануз ҳавода муаллақ турибди. Дастлаб ўша жойни расмийлаштириб олиш ҳақида Октябрь район совети раиси, жумҳурият халқ депутати Собир Сандкаримов билан маслаҳатлашганда, фикримиз у кишига маъқул бўлган эди. Жой олиш учун керакли бўлган барча тегишли ҳужжатларни район ва шаҳар ижроқўмига топширдик. Шу ишга масъул раҳбар, раис муовини Л. А. Костинга «Адолат»нинг ҳужжатлари ёқмади, афтидан у мушук текинга офтобга чиқмайди, деган ҳаёлда юрибди. Ишонмайсизми, унда мен қатори тўрт-беш ойлаб шаҳар ижроқўмига қатнаб, ўз ишида натижа чиқаролмаган кишилардан сўранг. Ижроқўм раиси О. Асқаровга иши тушганлар доимо ваъда олишади. Масалан, бизга ҳам бир неча бор «Масалангизни сешанба куни раёсатда кўрамиз», деган. Сешанбанинг эса охири кўринмайди. У киши охири мени қабул қилмай қўйди. Котиба қиз орқали вақтлари йўқлигини билдирди. Бирпасда ҳал бўладиган юмушни тўрт ой судраса, сон-саноқсиз келиб кетишингизга мажбур қилса, албатта вақти бўшамайди-да. Кўнгилни кенг қилиб, раис қабулхонасидан чиқиб, унинг ўринбосари Карим Расулов ҳузурига кирдим.

— Ҳамма ташкилотларга топилаётган жой нега бизга йўқ, айбимиз нима? — дедим.

— Я не знаю никакой «Адолат», что хотите от меня, был против о выделение помешение Бешагач — 5. ... Я не признаю, мало что даёт решения Кабинет Министров. Идите, пуст они Вам даст место...

Ё тавба. Нима бу? Мустақил жумҳуриятимиз ҳукумати қарорини менсимасликми? ...Мен ҳайратдан ёқа ушлаб хонадан чиқиб кетаётган эдим, ортимдан К. Расуловнинг овози эшитилди: «Вы идите юристу товарищу Махмудову, пуст он даст мне разъяснение, что это такой «Адолат». Бу тўраларга хос навбатдаги алдов эди. Бўлмаса ҳуқуқшунос Маҳмудов К. Расуловга илгари уч марта «Адолат»нинг фаолияти ҳақида тушунтириш берган. Начора, бизда раҳбарлар нима деса шу бўлади.

...Хуллас, Маҳмудов тағин К. Расулов қабулида бўлиб чиқди. К. Расулов эса бу сафар менга: «Если так, я не против, идите Юсупову, пуст он вам поможет», деди. Илож қанча Т. Юсуповга учрашдим. У менга кўп гапирди. Эсимда қолгани «пул бўлса чангалда шўрва», деганн бўлди. Бирпас ўтгач эса (мендан ёруғлик чиқмаслигини сездимикин), А. Костин менинг бошлиғим, унинг рухсатисиз ҳеч нарса қилолмайман, дея масъулиятни ўзидан соқит қилди. Ва мен ярим соатлик бош оғриқ—югур-югурдан сўнг яна Л. Костин ҳузурига кириб ҳайратомуз сўзларни эшитдим: «... идите в Кабинет Министров...».

Дарвоқе, шунча асаббузарлик ҳаққи, менинг ҳам уларга бир оғиз эътироз-саволим бор:

— Хўш, бундай иш услубию сансалорлик билан қандай қилиб ҳуқуқий мустақил давлат барпо эта оламиз? Ўз тилини ўрганишу маҳаллий миллат кишиларига ҳурмат кўзи билан қараш зарурлигини унутиб кўйган шаҳар ижроқўмидаги тўралар, бюрократлар буни билармикин?

Зарифа ЭРГАШ қизи,
«Адолат» ҳуқуқий маркази вилоят ва шаҳар бўлими раҳбари.

Пойтахт ҳаёти

«УЗБЕКИСТОН — ОЛМОНИЯ» ЖАМИЯТИ

ОЛМОНИЯ ва Ўзбекистон корхоналари ўртасидаги амалий ҳамкорлик ҳар икки томон учун салмоқли наф келтирмоқда. Чунончи, кўпгина консерва заводларида юксак унум билан ишлаб турган узлуксиз ҳаракатдаги сепараторлар Олмониянинг «Вестфаль» фирмасидан келтирилган. Тошкентдаги тикувчилик корхоналари ва модалар уйларига ўрнатиш учун технология ускуналари ҳам олиб келинмоқда. Ўзбекистон эса амалдаги савдо шартномалари асосида Олмонияга саноат, озиқ-овқат моллари, хом ашёлар билан бирга пахта толаси ва қоракўл терилари жўнатиб турибди.

Икки давлат ўртасидаги бундай ўзаро фойдали ҳамкорлик янада ривож топиб, мустаҳкамланадиган бўлди. Янги тузилган «Ўзбекистон — Олмония» жамияти амалий алоқаларни кенгайтириш ҳаракатида бўлади. Яқинда ўтказилган таъсис анжуманида жамият бошқаруви таркиби ва бошқа раҳбарлик идоралари сайланди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАҚЧИЛ БЎЛМАЙДИ

ЯНГИ йилдан бошлаб нархнаво назоратдан ҳоли қилингач, мустақил Узбекистонда аҳвол қандай бўлади! Бу масала аҳолини ортиқча ташвишлантирмаслиги учун жумҳурият ҳукумати ҳамма зарур чораларни кўрмоқда. Ҳар ҳолда нон, макарон маҳсулотлари, ёғ, чой, мева-сабзавот консервалари каби рўзғорда узлуксиз истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларнинг тақчил бўлмаслиги тайин. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи жумҳурият улгуржи ярмаркаси ҳам шу муаммони ҳал этишга кўмаклашади.

Тошкентда иш бошлаган ярмарканинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан савдо ташкилотлари ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этишдир. Озиқ-овқат ва савдо тармоқлари корхоналари улгуржи ярмарка орқали 1992 йил учун маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузадилар.

МАЪНАВИЙ ОЗУҚА ҲАМ КЕРАК

ЯҚИНДА ташкил этилган юридик мустақил «Баҳор» маданий-ахборот маркази анчагина хайрли ишларга улгурди. Моссовет номидаги Москва Академик театри жамоасининг Тошкентга ташрифи ҳам «Баҳор»нинг ташаббуси билан бўлди. «Узбекбирлашув»нинг концерт зали саҳнасида намойиш этилган «Ричард Уорикин ким ўлдирди!» пьесаси воқеаларини тошкентлик санъат ихлосмандлари икки соат давомида ҳаяжон билан томоша қилдилар.

Маданий-ахборот маркази таниқли театр жамоаларининг Тошкент гастролларини давом эттиришни режалаштирди. Навбатдаги мўлжал Москва сатира театрини Узбекистон пойтахтига таклиф этишдир.

КЎРСАТКИЧ ҚУРБОНЛАРИ

Умидсиз шайтон деб,
такрорлаб оят,
Елғиз умид билан яшаш жиноят.

О. МАТЖОН.

УШБУ хатни кимдандир нолиб, ё бўлмаса, мансаб умидворлиги учун ёзаётганим йўқ. Кимларнингдир айбини ўзига солмасдан, ҳамма қатори «мум» тишлаб, аравамни тортиб юрсам бўларди. Лекин... Ноҳақликка чидолмайман. Бефарқ қараб туролмайман.

1984 йилдан буён Қарши район санэпидстанциясида врач-бактериолог бўлиб ишлайман. Меҳнат фаолиятим давомида у ерда бўлаётган лоқайдлик ва кўзбўямачиликка бефарқ қарай олмадим. Лаборатория таҳлили хулосаларини асл ҳолида, ўзгартирмасдан, қандай бўлса, шундайлигича бера бошладим. Натижада кўплаб қорин тифи ва паратиф касалликлари рўйхатга олинди. Бу касалликлар бўйича яширин кўрсаткичлар ошкор бўлди. Бу эса бош врач билан муносабатимизнинг бузилишига олиб келди.

1987 йилда лабораторияда аниқланган бўғма касаллиги микроблари атайлаб йўқ қилинди. Агар у рўйхатда турса, санэпидстанция шаънига доғ эмиш. Бу иши учун лаборатория мудири ишдан олинди. Урнига мени сайлашди. Ишхонадаги камчиликлар ва етишмовчиликларни кўрсатиб район, вилоят санэпидстанцияси бош врачларига ахборот ёздим. Уларни бартараф этишда ёрдам сўрадим. Бу мурожаатномадан сўнг район бош врачи О. Каттаев ҳар хил йўллар билан менга тазйиқ ўтказа бошлади. Ҳамкасб ходимлардан тўрт кишининг паратиф касаллиги билан оғриганлигининг асл моҳияти қидирилмай, бунда ҳам мени айблашга уриндилар.

Аслида, охирги воқеа рўй берганда лабораторияда йўқ эдим. Мантиқсизликни қарангки, оилавий аҳволини, саломатлигини ҳамда бактериологик лабораторияда иш оғирлигини рўкач қилиб Н. Умиров экология бўлинмасига ўтказишларини сўраб ариза ёзганди. Илтимоси қондирилди. Гўё бу жиноятдек, шунда ҳам бош врач мени айблашга ҳаракат қилди ва ҳоказо...

Бундай адолатсизликлар, таҳқирланишлар жонимга тегди. Лаборатория мудирлигидан озод этишларини сўраб 1990 йил 3 июлда ариза ёздим. Вилоят СЭС бош врачи Р. К. Музаффаров ва район СЭС бош врачи О. Х. Каттаев аризага имзо чекишди. Урнимга ўша, оилавий аҳволини, саломатлигини ва бактериологик ишнинг оғирлигини рўкач қилган Н. Умиров тайинланди. Мен Н. Умировнинг махсус билими пастлиги, ташкилотчилик қобилияти йўқлиги туфайли лаборатория мудирлигига лойиқ эмаслигини бир неча марта айтдим. Аммо улар фикримни эътиборга олишмади. Сўнгра Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёзишга мажбур бўлдим. Жумҳурият санэпидстанцияси бош врачи ўринбосари Х. Мустафоев шикоятни текширишга келди. Ўша пайтда меҳнат таътилида бўлганлигим сабабли текшириш менинг иштирокимсиз ўтган. Фақат натижаси билан таништириш учун чақиришди.

Бош врач хонасида О. Каттаев, Р. Музаффаров, ва Х. Мустафоевлар ўтиришарди. Хонага киришим билан шунчалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдики, ҳайрон қолдим. Х. Мустафоев шикоятим тасдиқланганлигини айтди. Унинг сўзларини айнан келтираман.

— Раупова, мен ҳамкасбларингиз билан анча гаплашдим, сиз, албатта, лабораторияни бошқаришингиз керак. Агар мени ҳурмат қилсангиз, йўқ демайсиз. Қани, мен айтиб тураман, сиз ариза ёзасиз, — деди.

Бу бутунлай кутилмаган ҳол эди, чунки мен министрликка ёзган шикоятимда ўз ишимга қайта тиклашларини сўраганим йўқ. Начора, Мустафоев сўзини ерда қолдиролмадим. У киши айтиб турди, мен ёздим. Аризамни бош врачимизга бериб: «Бу лаборатория мудирлигига қолдирилганлигини айтди.

Мана, орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Лаборатория мудирининг малакасизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли борган сари хато устига хато, камчилик устига камчилик қўшилаяпти. Охирги 20 кун ичида юз берган жиноят дегулик учта хатони (1991 йилнинг 22 июль, 2 август, 12 августларида) туман ва вилоят СЭС бош врачларига ёзма равишда билдирдим. Вилоят СЭСи мутахассислари ўтказган текширишларда фактлар тасдиқланди.

Айниқса, марказий шифохонанинг реанимация бўлимида ётган бир ёшли боладан олинган қон намунасини таҳлил қилишда топилган микробни ўз вақтида даволовчи врачга айтмасдан, уни яшириб, текшириш муддати тугагандан сўнг, ҳеч нарса аниқланмади, деб жавоб ёзганлиги жиноят эмасми? Норасида гўдак мансаб, ўз ишига совуққонлик билан қараш, масъулиятсизлик қурбони бўлди-ку. Таҳлил жавоби ўз вақтида етказилганда эди, балким гўдак ҳаёти сақлаб қолинармиди? Бу ахборотлар туман СЭСи жамоаси ўртасида муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Аммо маъмурият томонидан муносабат билдирилмади. Чора кўриш у ёқда турсин ходимлар ўртасида Н. Умировнинг моддий рағбатлантирилиши эълон қилинди. Бу нимаси? Менинг норозилигим туфайли вазият бошқача тус олди.

Режа асосида асаб бузарлик можаролари бошланди. Натижада жанжал чиқарилди. О. Каттаев қанча елиб югурмасин Н. Умиров ишдан бўшади. Бош врач ўз тинчлигини кўзлаб, унинг ўрнига дидига мос, 65 ёшли пенсионер Бадаева Раиса Абдуллаевнани тайинлади. Савол туғилади: турғунлик йилларида шу лабораторияда ишлаган одамнинг мудир бўлиши билан бўғма, қорин тифи, паратиф ва бошқа юқумли касалликларни яширишга яна имконият туғилмадимикин?

Юқорида таъкидлаганимдек, мансаб учун курашаётганим йўқ. Юқумли касалликлар ҳақида аниқ-равшан ахборот берилиши ва бундай иллатлардан халқимиз фориғ бўлишини хоҳлайман, холос. Аммо маънавий ва иқтисодий алғов-далғов, демократия байроқ қилиб олинган анархия аралаш замонда бирор жиноят охиригача текширилиб, оқилона ҳал қилинишига ишонмай қолдим. Сиз нима дейсиз, ҳурматли муштарий.

Р. РАУПОВА,
Қарши район санэпидстанциясининг врач-бактериологи.

ТАҲРИРИЯТДАН: Р. Раупова ёзганларини шундайлигича келтирдик. Бир томонда одамлар хасталаниб, ўлаверсалар-у мансабпарастлар юқумли касалликларни камайтириб кўрсатиб ёки яшириб, амал курсисига кўтарилсалар... Ҳар бир бемор ортида унинг соғлиғини ҳудодан тилаб турган интизорлари бор. Буни эсламаслик, инсонийликни, ўзликни унутишдир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари бу хатга ўз муносабатларини билдирадилар, деган умиддамиз.



«БАҲОР»НИНГ ЕТУКЛИК ПАЛЛАСИ

«СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоеванинг бутун дастурини тўлиқ тиклаймиз!» — Мазкур ансамбль ижодий жамоаси ўз олдига ана шундай вазифа қўйди. Шу мақсада махсус жамғарма тузилди, унга машҳур раққоса яратган, ҳозир ҳам муваффақият билан ижро этилаётган номерлар, миллий кийимлар жамланган. Тикланиш босқичи ниҳоясига етай деб қолди. Тўғри, кийим-кечак масаласида анча қийналишаяпти, мато йўқ. Жамоа республика ва шаҳардаги тегишли ташкилотлар ёрдамига умид боғламоқда.

Ансамблнинг ҳозирги раҳбари — Узбекистон халқ артисти, Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофотнинг биринчи соврндори, Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти соҳиби Маъмура Эргашева ўз устозининг ижодий меросини тиклашга астойдил киришган. Узи ҳам ҳамон рақслар ижро этмоқда. Жумладан, Фурқат шеъри, Муҳаммаджон Мирзаев куйи билан «Фиғоним» қўшиғига мослаб яратилган рақс мухлисларнинг қарсагу олқишларига сазовор бўлаяпти.

«Баҳор» таркиби тажрибали солистлар қатори ёшлар ҳисобига тўлиб бораяпти. Яқинда хореография билим юртини тугатган Лайло Алиева ва Светлана Тўхтаева ансамблга қабул қилиндилар.

«Баҳор» қизларини Узбекистоннинг ва бошқа мамлакатларнинг турли бурчакларида ҳамиша орзиқиб, интиқлик билан кутишади. Шу боис ансамбль тез-тез гастролга чиқмоқда. Яқин кунларда Термиз, Ўшга боришади, орадан бироз вақт ўтгач, Ливияга сафар қилишади.

СУРАТДА: Узбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг бадиий раҳбари Маъмура Эргашева репетиция пайтида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (УзТАГ).

БЎСТОНДА БИР КУН

«БЎСТОН сув қурилиши» трестининг механизациялашган 25-кўчма колоннаси маъмурияти ишчиларнинг дам олишлари учун қулайлик яратди. Яқинда Зомин тоғларининг хушҳаво, сўлим гўшасида жойлашган «Шаршара» пансионатини сотиб олди. Ҳозир у ерда таъмирлаш ишлари кетаяпти.

ххх

БЎСТОН ишчилар таъминоти бўлимидагилар қаровсиз ётган эски маъмурий бинони таъмирлашди. Бу ерда масаллиқлар тайёрлайдиган цех очиш режалаштирилди. Яқинда иш бошланса, магазин пештахталарида чучвара, лағмон, қийма сингари маҳсулотлар чиқарилади.

Кондитер маҳсулотлари цехи ҳам шу бинога кўчиб ўтаяпти. Бундан ташқари колбаса цехини очиш мўлжалланди. Хўллас, яқинда мавжуд 5 та цех таркибида ишлаб чиқариш комбинати барпо бўлади.

А. БАРОТОВ,
«Жиззах чўли қурилиши» бирлашмаси кўп нусхали «Бўстон» рўзномасининг катта мухбири.

«Халқ сўзи»нинг акс садоси

НИЗОМИЙ МАЙДОНИ БЎЛСИН

«Халқ сўзи»да чоп этилган «Истилочига... ҳайкал» (7 декабрь, 1991 йил) мақоласи бизга хуш ёқди. Зероки, унда олий илмгоҳимиз талабаларию устозларининг кўхна дарди ҳам ўз ифодасини топган. 80-йиллардан бери маърифат даргоҳи пойгоҳида ўрта Осиё фидойиларини қон қақшатган, гўзал шаҳарларни замбаракларидан тирборон қилган сарбозлар қўмондони — Фрунзега мужассама ўрнатилганлиги адолатсизлик эканлиги, оддий мантиққа тўғри эмаслиги айтиб келинар эди, ҳатто бу ҳақда республика телевидениесининг бир кўрсатувида ҳам гапирилганди. Афсуски, бу арз-истакларни дахлдор идораларнинг раҳбарлари эшитишни ҳам хоҳлашмади.

Тўғри-да, уч томони олийгоҳ бинолари билан ўралган, тўртинчи томони олдинги Ракат (Роҳи кат) масжиди ҳовлиси ерларига туташган жойда истилочилар қўмондонига нима бор! Талабалар «Фрунзени ТуркВОнинг олдига элтиб қўйишсин» деган хоҳишни ҳам билдиришган. Шу кеча-кундузда олийгоҳ жамоаси «қани энди Фрунзе ўрнига Низомийга мужассама ўрнатилса, узукка кўз бўлиб тушарди» дейишмоқда. Ҳақиқатда ҳам гўзал Тошкентда Пушкин, Гоголь, Есенин, Горькийларнинг муҳташам ҳайкаллари бору бизга руҳан яқин Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Жомий сиймолари ҳеч ерда кўзга ташланмайди.

Биз яқин кунларда Тошкент шаҳар ҳокимини сайлаймиз. Бир гуруҳ сайловчилар номидан бўлажак раҳбарларимиздан Фрунзе ҳайкалини олдиртириб, ўрнига Низомий мужассамаси ўрнатилишини ва унинг атрофи «Низомий майдони» деб расмийлаштирилишини сўраймиз. Бу эса буюк шоир ва мутафаккирга муносиб ёдгорлик, ўзбек-озар дўстлигининг тимсоли бўлиб қолар эди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
Низомий номидаги муаллимлар олий илмгоҳининг доценти.

Футбол

ДОИМО ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ МУМКИН ЭМАС

ГЕРМАНИЯ ТЕРМА КОМАНДАСИНИНГ БОШ ТРЕНЕРИ БЕРТИ ФОГТСНИНГ «ТООР» (ГАМБУРГ) ЖУРНАЛИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБИ

— Германия ва Италия ўртасида бемалол бордикелди қилишингиз учун немис футбол командаси самолётни қачон ижарага олади?

— Терма командамиз ҳомийлари совға қилган ажойиб машинам бор. Шунинг ўзи етарли, деб ўйлайман.

— Римга машинада қатнаш жонингизга тегмайдими?

— Бунинг яна бир йўли бор: ЛУФТХАНСА компаниясининг самолётига ўтирсангиз бас, Рим билан Милан ўртасидаги масофа бир қадам. Тўғри, охирги пайтларда компания бизга қулай бўлган кечки Рим — Дюссельдорф рейсини бекор қилган. Ўйлайманки, ЛУФТХАНСА компанияси орасида Германия терма командаси манфаатини ҳимоя қиладиганлар ҳам топилади. Демак, адолат қайта тикланишига ишонаман.

— Ҳозирги пайтда миллий терма командамиз аъзоларининг кўпчилиги Италия жамоаларида ўйнамоқда. Бунинг олдини олиш учун бундеслига раҳбарларидан бири — жаноб Майер-Форфельдер немис ўйинчиларнинг кетиб қолишини тўхтатиш учун, махсус жамғармадан кўпроқ маблағ ажратиш даркорлигини таъкидлади. Терма командага 25 ёшдан кейин қабул қилинмайди, деган эски ғоялардан воз кечишни таклиф этди.

— Айни кунда давлатлар ўртасидаги чегара муҳим роль ўйнамай қолди. Ўйинчилар йўлига сунъий тўсиқ қўйишга ҳаққимиз йўқ. Куни келиб Европа мамлакатлари бутун бир давлат бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга қарамай зарур ҳолларда энг яхши немис футболчиларининг ягона команда сафида майдонга тушишларини истайман. Улар қаерда юрмасинлар — Италиядами, бошқа жойдами — бу албатта керак.

— Демак, машҳур ўйинчилар учун ҳеч қандай ғов йўқ экан-да?

— Бор, бўлганда ҳам жуда оғир. Улар шартнома имзолаётганларида бир нарсани унутмасликлари керак: Германия терма командасининг ҳамма машқ ва ўйинларида иштирок этишлари лозим. Кимки бунга эсдан чиқарса, оқибати яхшиликка олиб келмайди.

— Бугунги кунда деярли ҳамма немис газеталари саҳифаларида «Франц, қайт, бизни қутқар» деган ёзувлар кўринаяпти. Демак, яна кўплар кишилар Франц Беккенбауэрни терма команда устози сифатида кўришни орзу қилмоқдалар. Сиз нима дейсиз?

— Нима бўлгандаям мени бундай бақириқ-чақириқлар қийнайди. Ахир, доимо ғалаба қилишнинг иложи йўқ-ку! Шу боис аламзада ҳақоратларга чидашга ҳам тўғри келади.

— Терма командада Бодо Иллгнер ягона дарвозабон бўлиб қоладими? Бу йил у ўйнаётган «Кёльн» Европа кубоги ўйинларида қатнашиш шарафига муяссар бўлмади.

— У тажрибали. Ўзини аввалгидек кўрсатиб турса, қўриқбонни ўзгартиришнинг ҳожати йўқ.

— Томас Бертольдни командадан четлатиб, янги ҳимоячи излаяпсиз. Штефан Ройтер эса нигоҳингиз ўзига тушишига ишонаяпти.

— Ройтер камроқ талаб қилиб, кўпроқ ўйнаши керак. «Ювентус» уни ўзида синаб кўраверсин, кейин бир хулосага келармиз. Ҳозирча бу жойга Гвидо Бухвальд маъқулга ўхшайди.

— Сиз Штефан Кунтцни ўтган йили энг яхши ўйинчи деб эътироф этгандингиз. Лекин ҳозир у терма команданинг бирорта ўйинига қатнаштирилмаяпти. Сўзларингизда қарама-қаршилик йўқми?

— Кунтц — яхши, иқтидорли ўйинчи. Шунга қарамай унда баъзи бир етишмовчиликлар бор: бошқа ҳужумчилар ундан кўра тўпни яхшироқ суришади.

— Яқин орада миллий терма командада ўзгаришлар бўладими?

— Биз ҳар қандай натижага суяниб қолмасдан бор куч, имкониятимиздан фойдаланмоқчимиз. Томошабинлар кўрган ўйинларидан қониқиш ҳосил қилишга ҳақли эканликларини унутмаслигимиз керак.

Маннон ОТАБОЙ таржимаси.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

"Ал'КаНиМ" фирмаси
Фирма "Ал'КаНиМ"
"Al'KaNiM" firm

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР, ФИРМАЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АЛ КАНИМ» ФИРМАСИ

етакчи фирмаларда ишлаб чиқарилган, нархи Овруподаги ўртача нархдан пастроқ компьютерлар, ташкилий техника ва кенг истеъмол молларини таклиф этади:
1992 йилга халқ истеъмол товарларини етказиб бериш учун битимлар тузади.

Ҳақ эркин муомаладаги валюта билан тўланади.

Фирма, шунингдек, эркин муомаладаги валютани

СОТИБ ОЛАДИ

Битимларнинг жуда тез бажарилиши кафолатланади.

Шартномалар тузишга келган шерикларни фирма меҳмонхона билан таъминлайди ҳамда транспорт хизмати кўрсатади.

«Ал КаНиМ» сизга мунтазир!

Телекс: 116352, ALKAM SU,
Телефонлар: 92-06-93, 92-06-25.

ХЎЖАЛИК, ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қува район техника таъминоти таъмирлаш корхонаси чекланмаган миқдорда 4014, 4043, 4045 маркалардаги автопогрузчикларни тўлиқ таъмирлаб беради.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 713935, Фарғона вилояти, Қува райони, Қўшкечик қишлоғи.

Телефонлар: 51-232, 51-134, 53-327.

«Мистер Гуд бай» Совет-Канада қўшма корхонасининг «Наврўз» шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1991 йил 10 декабрда 169-сонли рўйхатга олинди.

Корхонанинг манзилгоҳи: Наманган шаҳри, Қўқон кўчаси, 5.

ТошДавМИ 1-клиникаси тиббиёт билим юрти томонидан 1986 йил 7 июлда Ҳайдарова Дилдора Эргашевнанинг номига берилган (ИТ-1 № 196269) диплом йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 6507. 118800 нусхада чоп этилади.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 23.30. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12